

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СУЗУ

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАМАРИЯ, 1412 ЙИЛ,
САФАР, 1-КУН.

ШАМСИЯ,
1370 ЙИЛ,
АСАД, 26-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1991 йил 14 август, чоршанба, 155-сон

НАРХИ

ОБУНАЧИГА 7 ТИЯНИ,
СОТУВАДА 10 ТИЯНИ.



ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВИ



СУРАТЛАРДА: Қозғоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон ССР ва Туркменистон ССР делегацияларини Тошкент аэропортида кўтиб олиш пайғам.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар. (ЎЗАТАГ)

Бешта баҳайбат шоҳли ям-яшил чинор устида порлаб турган қуёш Ўрта Осиёдаги тўрт республика ва Қозғоғистоннинг раҳбаридир. Минтақа республикалари президентларининг 13 август кунини Ўзбекистон пойтахтида бошланган учрашувининг раҳбарий нишонини ана шундай.

Тошкентда халқаро музокара, анжуманлар, фестиваллар кўп марта ўтказилган. Ҳатто тинчлик, ҳамкорлик ва ҳамжихатликка интилишни ифода қилган «Тошкент руҳи» ибораси ҳам пайдо бўлган.

Мана энди Ўзбекистон пойтахти Қозғоғистон ССР, Қирғизистон, Республикаси, Туркменистон ССР ва Тожикистон ССРнинг катта делегацияларини қабул қилмоқда. Улар Ўзбекистон ССР делегацияси билан биргаликда Ўтган йили Олмаотада имзолаган ҳужжатлар қандай бажарилаётганини муҳокама қилди.

Шу вақтда минтақа республикалари ўртасидаги ҳамкорлик ва тараққиётнинг янги босқичига ўтиш режалаштирилган.

Ўзбекистон билан Туркменистоннинг ўртасидаги ҳамкорлик ва тараққиётнинг янги босқичига ўтиш режалаштирилган.

Ўзбекистон билан Туркменистоннинг ўртасидаги ҳамкорлик ва тараққиётнинг янги босқичига ўтиш режалаштирилган.

ҳамкорликни тақозо этади. Ҳозирги пайтда халқ ҳужа-лигида Ўзбекистоннинг қўшни республикалари ва Қозғоғистон билан амалий ше-риклик қилмаётган бирор тармоғини топиш қийин. Мана, бир неча мисол. Қўшни республикаларга пахта терши машиналари, транс-форматорлар. «Средазэлек-трошпарат» ишлаб чиқа-риш бирлашмасининг маҳ-сулотлари. Бошқа ўнлаб корхоналарнинг маҳсулот-лари юборилмоқда. Ўз на-батиди Олмаотадаги «Сред-азэнегострой» трести ку-рувчилари Ўзбекистонда барпо этилаётган иссиқлик элек-тр станцияларида му-раккаб монтаж ишларини бажаришди. Туркменистон-лиги гилламуз усталар бу-ноб қунарни Ўзбекистон-ликларга ўргатдилар, Тош-кентдаги қўнғина корхона-ларининг дам олиш уйлари ва пансионатлари Қирғиз-истондаги аjoyиб Исик-кўл соҳилида жойлашган...

Фақат шунинг ўзи эмас. Аслида минтақада бир неча тармоқларда иқтисодий му-носабатларнинг ягона тиз-ми вужудга келди. Ўрта Осиё бирлашган энергия тизими, деярли барча қў-шни республикаларга хизмат қилаётган Ўрта Осиё темир йўли ана шундай тизма-лардандир.

Янги Иттифоқ шартно-масини муҳокама қилиш беш президентнинг музока-раларида муҳим ўрин ту-тади. Шу йилнинг март ойи-да бўлиб ўтган умумитти-фоқ референдумида ми-н-тақадаги барча республика-лар аҳолисининг мутлақ кўпчилиги, маълумки, я-нигиланган иттифонни сақлаб қолганини эътиборга олди.

...Тошкент аэропорти бай-рамларгаддек беозитилган.

СССР Давлат байроғи, Ўр-та Осиё республикалари ва Қозғоғистон Давлат байроқ-лари ҳиллаб турибди, ўз-бек, қозғоқ, қирғиз, туркман, тожик, рус тилларида ёзил-ган таъриқ шiorлари илиб қўйилган.

Мана, самолёт қўниш майдонига бурилмоқда, у-нда Тожикистон ССР Прези-денти Қ. Маҳмамов бошчи-лигидаги республика деле-гацияси Тошкент учрашу-вида келиди. Ўзбекистон пой-тахтига имазиз Туркмени-стон ССР Президенти С. А. Ниязов бошчилик қила-ётган Туркменистон деле-гацияси етиб келади. Орадан кўп вақт ўтмай Қозғоғистон делегацияси аъзолари ту-шган самолёт қўнади, бу де-легацияга Қозғоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбо-ев бошчилик қилмоқда. Кенгашга Қирғизистон ре-спубликасининг Президенти А. Ақиев бошчилик қила-ётган делегацияси ҳам етиб келади. Юқори мартабада-ги меҳмонларни самолёт пил-отасини олдиди Ўзбеки-стон ССР Президенти И. А. Каримов, республика вице-президент Ш. Р. Мирсаи-дов, республика Олий Ке-нгашининг раиси Ш. М. Иўлдошев, Ўзбекистон де-легациясининг бошқа аъзо-лари таъриқлаб кутиб оли-ниди. Миллий кийимдаги қизлар аяз меҳмонларга гуллар тақдим этадилар. Шундан сўнг автомобиллар кортежи Тошкент кенгаши қатнашчилари учун ақра-тидан боргоҳга йўл олади.

Учрашувга Озарбайжон республикасининг Вазири-ли маҳкамасининг Бош вази-ри Г. А. Гасанов бошчилиги-даги Озарбайжон делегация-си ҳам келди.

Қозғоғистон Президенти Н. А. Назарбоев аэропорт-

да ЎЗАТАГ мухбирларининг саволларига жавоб қайтар-ди. Қозғоғистон бошлиғи, жумладан, Иттифоқ шарт-номасини имзоламоқчи бў-лаётган республикаларнинг шундан кейин нима бўлади деб ўйлайдиган пайти кел-ди, деб таъкидлади. Тузил-маларни тубдан ўзгартириш бошланадими, улар иқтисо-дийни боши берк қўздан чиқариб олишга қодирми? Булар ҳозирги пайтда энг муҳим масалалардир. Бироқ, ушбу ҳужжатни имзо-лашга санокли кунлар қол-ганига қарамай, мулкни давлат ихтиёрига чиқариш ва хусусийлаштириш қоб-ўқтир муаммо шу вақтгача ҳал қилинган эмас.

Ўрта Осиё республика-лари ва Қозғоғистон ҳозир до-тация оладиган республика-лар бўлиб қолди. Ленин бу минтақалардаги одамлар ишларини билмайди деган сўз эмас. Муаммо бошқа жиҳатда — уларнинг иқти-содийи хом ашё етишти-ришга йўналтирилганлиги-ди. Келинг, бу муаммога бо-шича томондан назар со-лайлик. Минтақа республи-калари пахта хом ашёсини, деярли ҳаммасини, фосфорнинг тўқсон беш фо-лидан кўпрогини, хром ру-дегациясининг тўқсон фоизини, рангли металллар ва жу-нидан эллик фоизини етиш-тиради ва ишлаб чиқаради. Улар ресурсларга қара-май, мамлакат саноат иш-лаб чиқаришда минтақа-нинг улushi атиги 8 фоизни ташкил этади. Турмуш да-ражаси-чи? Ўрта Осиё ре-спубликалари ва Қозғоғистон-да турмуш даражаси мам-лакатдагидан яқин баравар пастдир. Минтақа иқтисо-дийетининг хом ашё етиш-тиришга қаратилганлиги хотима берадиган пайт кел-

ди. Халқларнинг яхшироқ яшашига имкон берадиган сиёсатни ишлаб чиқиш ке-рак. Яқин кўнларимиз билан мустақам боғламай туриб бунга эришиш бўлма-ди. Шунинг учун ҳам Ўр-та Осиё республикалари ва Қозғоғистоннинг иқтисодий мувофиқлаштириб туради-ган доимий ишлайдиган республикаларо комитет тузиш тўғрисида қарор қа-бул қилинган эди. Нарх бер-гиллаш, молнарий барқор-лик масалалари шу коми-тетнинг вазифасига кирди. Тошкент учрашувиди ана шундай иқтисодий идора-ни тафсилотларини му-ҳокама қилмоқчимиз.

Ўзбекистон ССР Прези-денти И. А. Каримов жу-рналистлар билан суҳбатда Ўрта Осиё республикалари ва Қозғоғистон президентла-рининг Тошкентдаги бўла-жак музокарали ва уч-рашувининг ўзига баҳо бе-риб, учрашувининг асосий мақсади Ўрта Осиё ре-спубликалари ва Қозғоғистон раҳбарлари ўртасида ҳа-ракат дастурини ишлаб чи-қишдан иборатлигини таъ-кидлади. Чунки, бозор му-носабатларига ўтиш бутун минтақани оғир аҳволга со-либ қўйди. Минтақа аҳоли турмушининг даражаси, ишлаб чиқарувчи кучлар-нинг ривожланиши жиҳати-дан иқтисодий таъбир маҳ-сулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бошқа ре-спубликалар олдиди жуда кийин, нотенг аҳволга ту-шиб қолди. Бешта ре-публиканинг муаммолари жу-дада ўқиниб, шу сабабдан уларни биргаликда куч-гайрат сарфлаб ҳал қилиш керак. Минтақа халқлари-ни озиқ-овиқат, шу жумла-дан дон билан таъминлаш

биринчи навбатдаги вазифа-лардандир. Лекин бу муам-молар марказда тез ҳал этилмайди. Иттифоқ идо-раларининг суъташлиги ҳам мавжуд зиддиятлар ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам беш ре-спублика раҳбарлари ана шу масалаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон пойтахтида тў-ландилар.

Яна бир муҳим жиҳати. Минтақа халқларининг кўп асрлик тарихи давомида тил, авъаналар муштарак-лиги таркиб топди. Уларни мустақамлаш ва ривож-лантириш зарур. Бунинг устига ҳозирги мавжуд му-аммолар ҳам ўқинибди. Тез орада мустақил Совет республикаларининг шарт-номасини имзолашимиз ло-зим бўлади, у қандай қийин шaroитларда тайёрланган-лиги маълум. Ўзаро, кели-шишга, ёнобосишга тўғри келди, албатта. Ленин энг муҳими шундаки, шартно-ма ҳар бир республиканинг суверенитетини таъминла-ди, унинг ҳуқуқий мамқи-га кафолат беради. Шу бо-исдан биз Тошкент учрашу-вида Иттифоқ шартно-маси-ни имзолашдан олдин ум-вий муносабатни ишлаб чиқишимиз лозим. Аслида бундай муносабат ҳозир-нинг ўзидаёқ вужудга кел-ди. Унинг баъзи жиҳатла-ригина қолди, улар ҳам ҳал этилади, деб умид қилмаем.

Шу кунинг ифори лавозим-ли меҳмонлар шарафига В. И. Ленин номида Халқлар дўстлиги саройида Ўзбеки-стон саноат усталари кон-церт қўйиб берилди.

Л. ЛЕВИН,
В. ПРУГЕР,
ЎЗАТАГ мухбирлари.

ЎНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ РАМАСВАМИ ВЕНКАТАРАМАН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!
Буёқ Ҳиндистоннинг Миллий байрами — Мустақил-лик кунини муносабати билан Сизга Ўзбекистон халқи номидан ва шахсан ўз номидан самимий мутловлар йўллайман.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида қадим аср-ларда бошланган, анъанавий дўстлик ва ўзаро манфа-атли ҳамкорлик киккада халқимиз манфаатлари йўлида бундан буюк ҳам мустақамлашиб, ривожланиб боравер-ди, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Масъулиятли фаолиятингизда Сизга муваффақият, Ҳиндистон халқига эса — тинчлик, равиқ ва омон-эсонлик тилайман.

Эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикасининг Президенти.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

МЕҲР КЎРСАТГАН ЕТАР МУРОДГА

Ўзбекистон ССР Прези-дентининг Ўзг Ватан уруши ноғиронлари, қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва халқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг онла-рига кўшмач имтиёзлар бериш тўғрисидаги фармон қабул қилинганига кўп бўл-гани йўқ. Аммо бу муҳим ҳужжат Ўзнинг ҳаётини, долзарблиги билан одам-лар дилга қалбига йўл топ-ди. Ўтган вақт ичида ви-лоятимизда уни бажариш учун катор ишлар қилинди. Жумладан, шундай имтиёз-га эга бўлганларга уларнинг турмуш ва яшаш шaroитла-рини яхшилаш мақсадида 316 та уй акратилди. Учас-қа куриш учун 725 гектар ер тақсими берилди. Дав-латга қарашли, турли маҳма-маларнинг ихтиёридаги 869 та уй шахсий мулк сифати-да ўз эгаларига текинга берилди. Уруш ноғиронла-рининг 136 нафарига «Запо-роек» машинаси бепул топширилди. 181 кишига турли марказдаги енгил ав-томобиллар сотилди. 710 хонадон телефонлаштирил-ди.

Бу ишлар аўр фойдал, кат-та куч-қувват билан амалга оширилатганига қарамай уруш қатнашчилари ва но-ғиронларини уй-ҳол билан таъминлаш ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, Жиззах, Фориш, Зомин ва Бахмал районларида бу бо-рада йўлга қўйилган ишлар қонқарсиз аҳволда. Тўғри, тоғли районларда уй-ҳол қурилиши гоат камчил ҳам қарамай, вазиятдан чиқиш йўллари кидирса бў-лади. Галларорда 29 та, Зоминда 18 та уй ҳамон ўз эгаларига шахсий мулк қи-либ берилмаган. Кўпчилик ижромалар уруш қатнаш-чиларини уй-ҳол билан таъмин-лаш режасини ишлаб чи-қишмаган, бу масалани ҳал қилишга корхона, давлат ва жамоа ҳужаликлари маб-

лағларини жалб қилишни кўзда тутмаган.

Вилоят алоқа ишлаб чи-қариш бошқармаси жамоа-си Президент фармонини кўрсатилган муддатларда бажаришга эришмапти. Бу ерда ҳозиргача тушган 1232 имтиёзли аризанинг 710 таси халқига қонди-рилгани йўқ. Жорий йил-нинг ўтган олти ойи даво-мида бор-йўри 43 хонадон-га телефон ўрнатилди, хо-лос.

Савдо ташиқлотларида Ўзг Ватан уруши қатна-шчилари эҳтиёжини қонди-радиган саноат ва озиқ-ов-лак маҳсулотлари ҳамона ҳам топилмавермайди. Улар-ни тибий қўриқдан ўтқа-зишга маданами мутахассис хакимлар кам жалб қили-моқда, тақдир долларини то-либ бериш ҳамон муаммо-лигича қоляпти. Мирзақўл ва Октябр районларида фармон чиқанидан бери уруш ноғиронларига бери-ла ҳам автомашина сотил-мади.

Вилоят иқтисодий таъми-нинг бошқармаси раҳбарла-рининг бепарволиги ва савдо бошқармасининг сансалор-лиги туфайли республика Президенти фармонига бино-ан Вазирлар маҳкамаси аниқ мақсад билан ақратган 20 та «Йилгули» ва 10 та «Моск-вич-412» енгил автомашина-си олинмасдан қолган.

Халқимизда меҳр кўрсат-ган етар муродга, деган гап бор. Зигриддек яхшилик, меҳр-муруват одамларнинг қалбига қувоч, эртасига ишонч бағишлаётган шу кун-ларда курашчан некса авлод кишиларига ўз ҳурмат эъти-қодимизини намойиш қилиш, уларнинг қадрига етиш биз-лар учун ҳам қара, ҳам фарздор.

Қўчқор САТТОРОВ,
халқ депутатлари Жиз-зах вилоят совети ижроия комитетининг иқтисодий маданий муассасалар бў-лими мудири.

ЎЗБЕКИСТОН—ПОКИСТОН: АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР

Тошкентда Покистон Ис-лом жумҳуриятининг 44 йиллигига бағишланган тан-танали йилгили бўлди. Унда Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ўзаро муноса-батларини кенгайтириш ва мустақамлаш тўғрисида гапирилди.

«Тошкент ишончларо-лар учрашуви» ва бундан бир йил илгари тузилган «Ўзбекистон — Покистон» жумҳурият Комитети де-легациясининг Покистонга са-фаридан сўнг икки жумҳу-риятнинг алоқалари янада мустақамланганлиги таъ-кидланди. Ушбу сафар чо-ғида жумҳуриятлар ва аниқ корхоналар ўртасидаги ама-лий ҳамкорлик истиқбол-лари муҳокама қилинди. Покистон олимларини сил хасталигини даволаш юза-сидан Ўзбекистон олимлари ишлаб чиққан усул қизиқ-тириб қолди. Покистон иш-

фокорларининг Ўзбекистон-да амалий иш ўрганиши тўғрисида битимга эришил-ди.

Ногиқлар покистонлик ёш олимларининг Ўзбекистон дорилфунунларида иш ўр-ганиш масалалари, Тошкент давлат дорилфунун тала-балари ҳамда муаллимлари ва «Ҳамдар» миллий мар-кази делегацияларини бири-бирига юбориш масалалари юзасидан фикрлашиб олди-лар. Лаҳор билан Самар-қанд ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш маса-лалари ҳам тилга олинди. Ўзбекистон ва Покистон ўр-тасида бевосита ҳаво йўли-ни очиш таклиф қилинди. Бу-ларнинг ҳаммаси иқтисо-дий, фан ва маданият со-ҳасида Совет—Покистон муносабатларини мустақ-амлашга қўмақлаштириш таъ-кидланди.

(ЎЗАТАГ).

Депутат ҳисоботи

БЕШ ҚҮЛ БАРОБАР ЭМАС

144-ГУЛИСТОН МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ САЙЛОВ ОКРУГИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ АБДУҒАФФОР ЭСИРГАПОВ ВИЛАН

Абдуғаффор ака, бир неча йилдирки Гулистон районидagi «Қизил тонг» жамоа ҳужалтиги йирик шахтачилик бригадасига етакчилик қилиб келасиз. Эришган муваффақиятларингиз кўпчилиги ахши маъмул. Айниқчи, халқ депутати сифатида олиб бораётган ишларингизда кўпчилиги тўлаётганими? Саволинига бир оғиз: да ёки йўқ, деб жавоб бериш мумкин. 1990 — 1991 йилларда Оқолтин район марказида ичимлик сувни муаммосини ҳал этишни зимматга олганман. Бу ишга маҳаллий бюджетдан юз минг сўм ажратилди, йил бошидан қурилиш ишлари бошлаб юририлди. Умуман, қўлба нақазлар сув муаммоси билан боғлиқ. Чунки дастлабки қурулушлар ўтказилганига 25 — 30 йил бўлди. Қўллар аллақачон талабга жавоб бермай қолган. Масалан, Илчи районидagi М. Узоқов номли давлат ҳужалтида аҳвол ниҳоятда ачинарли. Меҳнат аҳли мурожаат этмаган идора қолмади, ҳисоб. Сайловлиди учрашувлар даврида бу муаммони ижобий ҳал этишга ваъда бергандим. Аслида 1988 йилда тегишли маблаг ажратилган бўлишига қарамай, иш ора йўлда қолиб кетди. Ушунга йилда «Толқин» қўшма мушаррафлик бўлишига мажбур бўлишди. Ҳудудий бошқармага мурожаат этдим. Афсуски, тайёр маблаг ҳамон қаракатсиз ётибди. Ширин шаҳридаги Карвон Сарой аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам вилоятда ҳал этилмагач, республика Вазирилари маҳкамасига мурожаат этишга мажбур бўлдим. Янгида сўровимга ижобий жавоб келди. Бобут районидagi Димитров поселкасида оғир сув келтириш масаласи ҳам ҳал этилиш арасида. 2500 метр ерга бетон ариқ ётириш ишлари ҳадемай ниҳоятга етказилди. — Кечирасиз, Абдуғаффор ака, қилшқ юбилейини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш бўйича Президентиянинг маҳсулоти фармони эълон қилинганми? Депутат иштирокисиз ҳам бу ишлар ижобий ҳал этилиши лозим эмасми? Албатта, фармон чиқаришдан бундан жиддий сиқинишларга эришляпти. Ишлардаги маҳаллий советлар масалалар алоҳида эътибор билан қарашаяпти. Лекин бу қатта ҳақимдаги ишларни амалга ошириш учун маблаг ҳам зарур. Ҳозирги иқтисодий аҳволимиздан келиб чиқадиган бўлса, вазият янада ойдянашади. Вилоятлар режаси киритилган турби бйор бир натижага эришиш қийин. — Унда депутатнинг аралашуви қандай тушуноқ керак? — Тўғри, унинг шахсий қурилиш бошқармаси йўқ. Аммо у ёни бу ишнинг режаси киритилиши, тўхтаб қолган қурилиш ишларини юбориш учун ваюлати етарли. Йил бошида Оқолтин районидagi «СССР 60 йилгига» совхозидagi йил мақсад қурилиши лойиҳасини 1992 йил планига киритишга қўлқолашганини сўраб мурожаат этишди. Тегишли идоралар билан гап-лашди, масалани ҳал этдик. Ёки Ворошилов, Воевут районидagi 150 ўрни-

Кайта қуриш Совет қонунчилигини ислоҳ қилиш зарурлигини, биздаги мажбул ҳуқуқий тартибнинг қолқилгани, амалда бўлган қўлқилганга нисбатан иқтисодий тарқикетга тўғронуқ, сиёсий институтлар муқаммал эмаслигини кўрсатди. Меҳнат-қашларнинг қўлқиллиги қонунларни билмасликлари оқибатда ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишмайди, натижада оғир аҳволга тушиб қолмоқдалар. Ҳозирги пайтда республикамизда олий ва ўрта махсус ҳуқуқий таълим шохобчаларини қўлқилтириш, ҳуқуқий институтлар тўрт йиллик олий ҳуқуқий мактаб, университетлар ташкил этиш ҳақида фикрлар билдирилляпти. Биз бундан жуда хурсандим. Лекин ўрта умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртрларида ўқувчи-талабаларга ҳуқуқий таълим беришиш аҳволи қандай? Сиз, азиз ўқувчиларини шу мавзуда мулоқотга тортишқимиз.

Муштақдам пойдеворсиз уй узоққа бормайди. Ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асоси, пойдевори ҳам ўрта умумий таълим мактабларида оила ва болалар тарбия муассасаларида тарқиб топиши керак. Ҳуш, мактабларда ҳуқуқий таълим учун неча сот сўз ажратилган! Ҳунар техника билим юртрлари, ўрта махсус ўқув юртрлари ва институтларда-ки! Ҳозирги кунда шу ўқув даргоҳлари учун белгиланган соатлар ҳуқуқий давлатга ўтиш жараёни талабига жавоб бермадики?

Илму фанда қайта қуриш ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синфида «Совет давлати ва ҳуқуқ асослари» фани программа асосида ҳафтада бир соат, ўқув йили давомида 34 соат ўтилади. Бу фандан айрим мактабларимизда тил ва адабиёт, география, умуман туркилий «серкиррали» ўқишлар дурс беришади. Фанга нисбатан ўғай кўз билан қаралгани ўқувчилардан имтиҳон олинмаслиги, етуклик аттестатда ҳуқуқ фанининг қайд этилмаганлигида ҳам аққол кўрилади. Маълумки, программа асосида дарслар П. Гурев, Г. Давидов, Э. Мельникова томонидан ёзилган 9-синф учун дарслик бўйича олиб борилади. Бизнинг фикримизча, бу дарслик ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Сабоби, давлат ва ҳуқуқ масалаларида муҳим қўл ўзгартирилган бўляпти, ҳуқуқий фан доираси кенгайиб бормоқда ва тақомиллашмоқда. Қолаверса, дарсликдаги мавзулар ўқувчиларнинг аш хусусиятини мослаб ёритилмаган. Республикамиз суверен давлат сифатида шаклланилган ҳо-ҳарини дарсида маҳаллий ма-териалларни кўпроқ беён этиш лозим. Айрим кенг

қарилган программа ва барча дарсликлар рус тилидадир. Программага ўзгартирилган кингич қарақ ва ўзбек тилида программа ва дарсликлар ёзиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Айниқса тўғрақ ишларнинг қизиқарли ташкил этилиши ҳуқуқий билим олишда қўл келди. Биз ўқитувчи ҳуқуқшунос-лар сифатида ўрта умумтаълим ва институтда шу соҳани ўқувчи-талабаларга ўқитиш жараёнида тарқиб топган тажрибаларимиз асосида, ҳозирги вақтда ҳуқуқий таълим ва тарбия талаблар даражасида эмаслигиндан бонг ураганимиз, холос. Мақсадимиз меҳнатқашларнинг ҳуқуқий билим даражасини, ҳуқуқий онгини янада оширишга қўлқолашганидан, уларни қонунларга нисбатан онгли муносабат ва ҳур-мат руҳида бўлишларига қақришдан иборатдир. Биз ҳурматли қонуншунос-лар, мухтассис ўқитувчилар, халқимиз, шу соҳага масулул бўлган ўртоқлар ўз фикр-мулоҳазаси, тақлифларини билдиришларини истаб қоламиз. Ишонганимиз қолмади, шу вазифаларни амалга оширишда келажакда Ўзбекистонимизда ҳуқуқий давлат ва билимлар учун пой-девор ташланган бўлади.

Тўра ХУЖАНИЕЗОВ, Ҳ. ОЛИМҚОНОВ ИМЛА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ ДОЦЕНТИ, ҲУҚУҚ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ДУШАНБЕ. Душанбеда Туркманистон ва Тоқикистон республикалари ўртасидаги давлатлараро муносабатлар тўғрисидаги шартнома-нинг президентларини имзоладилар. Ҳужжатда сёбат, иқтисодий, маданият, экология, инсонпарварлик ҳамда иқтисодий-сиёсий турмушнинг бошқа соҳаларида қатъий тенг ҳуқуқли асосда ўзаро фойдала ҳамкорлик қилиш назарда тутилди. Шартномада томонлар ўз ҳудудларида яшовчи барча миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилигига нафолат беришлари, миллий тарқатиллигини ҳар қандай қўриқилларини қоралашлари, миллатлараро можароларга, халқлараро ҳуқуқларини чеқлашга уринишларга йўл қўймаслик учун қатъий чора-тадбирлар қўриш мажбуриятини олишлари тақдирланди. Иқтисодий, илмий-техникавий ва маданият муносабатлар ҳуқуқматлараро битимлар ёрдамида тартибга келтирилади, бундай битимлардан бири ҳозирдаёқ имзоланди. Унда аҳдлашаётган томонларнинг муштақлигига иқтисодий ёки бошқа шаклларда таъин ўтказишга йўл қўймаслиги, қана ва ҳуқуқий наҳарларнинг ўзгартиришда хатти-ҳаракатларнинг келишиб олиниши, бозор муносабатларини тартибга келтиришнинг бошқа шакллари ҳам қатъий амал қилиниши айтилади. Ҳамкорлигини кенг қўлқолашга дастурини ишлаб чиқиш учун қўшма ишчи комиссияси тузилди. Унга таниқли олимлар — сёбат-шунослар, жамиятшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар кирди.

Т. ГОДУРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

Бугунги тўлқинли кунларда одамлар ҳеловатини безорилар ўрилар, йўлсизлар тобора кўпроқ, йўлсизлар барқаманин ташвишга соляпти. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Қонунчилик қонунчилиги ва ҳуқуқ-тартибот қўмитасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ана шу масалалар бағишланди. Унда республикада безориликка, фуқароларнинг шахсий мол-мулкнинг талаб-тароқ қилиш ва босқинчилик йўли билан қўлга киритишга қарши курашининг аҳволи масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари Тоҳир Мирзаев, республика ички ишлар вазири-нинг ўринбосари Павел Левочкин ўртоқлар ана шу ҳақда ахборот беришди. Музокараларда қўмита аъзоларидан Сайфулло Сайдалиев, Насриддин Исмоилов, Ҳайдар Исмоилов, Иброҳим Файзуллаев ва Фазлиддин Қутбидинов ўртоқлар қатнашиб, ҳозирги қонунбузарликлар, безориликлар тобора ўсиб боришининг туб илдизлари моҳиятига эътиборни қаратдилар. Мажлисда ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинди. Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон ССР халқ депутатини қақриб олиш тўғрисида» Ўзбекистон ССР қонун лойиҳаси ҳамда «Ўзбекистон ССРнинг маълумий-ҳудудий тузилиши масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида» ахборотлар тингилди ва муқо-қамма қилинди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бошқа қўмиталари раислари ва аъзолари, республика маълумий органилари, Тошкент вилояти ва шаҳри ҳуқуқини муҳофазаси қилиш идораларининг вакиллари иштирок этишди. Тоҳир ДОЛИ ўғли, «Халқ сўзи» муҳбири.



Олтинқўл районидagi «Коммунизм» жамоа ҳужалтига аъзолари ўтган йили 90 минг сўм қаражатлаб ҳўжалик тузишда консерва цехи қуриб ишга туширдилар. Ушга йилнинг ўзидаяқ 158 минг шартли банка консерва ишлаб чиқардилар. Ҳозирги кунда икки сменада иш олиб бориляпти. Жорий йилда 9 турдаги хар хил консерва маҳсулотларидан 500 минг шартли банка ишлаб чиқариш қўзда тутилган. СУРАТДА: Ойтоқижон Жумабоева ва Ҳафиззоҳон Мамадалиевлар ишлаб банкларга меваларни жойлаштиришмоқдалар.

«Жарлик» мақоласи муштарийлар муҳокамасида

Муаллифининг фикр-мулоҳазалари билан танишар эканман, бонхитёр йондагина содир бўлган воқеалар кўз олдидан ўта бошлади. Уғрилар бекфарзанд чолқамларнинг оёқ-қўлларини боғлаб, олтин соат ва 400 сўмча пулларини олиб кетишди. Уйига тушлик қилган келган йилгичи барзангидек талончилик пичоқлаб ташлашди... Ҳизмат юзасидан Гулрандан Урганчага қатъиб тураман. Одамлар Урганча автосовхозиди кинсарларга макон бўлиб қолганлигидан нолишади. Ушам ҳам неча бор ўзгалар қўнганни қавалётганларни кўрганман. Аммо «Кўнганлиги тор» деб айти олмаганман. Жоним ширинлик қилган. Уйлаб қоламан: «Кўрқуноқнинг доимий йўлдошидир», деб Шекспир ҳақоний галларини айтган экан. Назаримда халқимиздаги андиша кейинги йилларда ўз ўрнини қўриқликка бў-шатиб бергандак... Янгида область «Маърифати» уш тингловчилар ўртасида суҳбат ўтказдим. Гўл айяни келиб, ўрилар масаласига қадайдим. Унда ҳамма ўғримин, порохурин, фоҳишам — ким бўлишдан қатъий назар, жиноятчилар одамлар ўртасида, илоҳи боса бозор майдониди суд қилиниши керак» деган фикрга келди. Бас, муштақдам тошқоқлар одамларнинг мол-мулкни, ҳаётини ҳимоя қила олмаётган эканлар, бу ишни халқининг ўзига қўйиб бериш керак. Шу маънода жиноят ва жазо ҳақидаги қонунлар тўғрисида референдум ўтқа-

НАҲОТКИ ЎЗ УЙИМИЗДА ТАРТИБ ЎРНАТОЛМАСАК?

Баҳсли мақолада ўртага ташланган мулоҳазаларга юз фоз қўшилган. Чиндан ҳам энди мамлакатда тартиб, интизом, адолат ўрнатилмаси бўлмайди. Анс ҳолда кейин кичи бўлади. Жиноятчиларга, биринчи навбатда аҳолини талабтган ўғри-босқинчиларга халқ хоҳлаган жазоларини қўлғаб зарур. Атрофимизда рўй бераётган жиноятчиларнинг ўйла-санг вужудимиз севкинб кеташди. Во акабоб! Нималар бўляпти ўзи! Ё қиёмат-қоийм деганларни шумкин! Наҳотки, ўз уйимиз, ўз юртимизда тартиб ўрната олмасак! Бу қанақас бўлади! Тошкент шаҳрида «Олимпия» маҳалла комитетининг раиси; С. ЮСУПОВ, меҳнат фахрийси. (Жами 20 июль). Мен муаллифининг жиноятчиларга қадимда мажбул бўлган жазо чораларини қўлқолашга ўтиш юзасидан умумхалқ референдуми ўтқанди, бу ҳақидаги тақдирга қўйишганим. Негаки, икки йил озодиндан маҳсум этишдан қўра олма ўртасида 20 дарра уриш ахши натижа бери-шига ишончим қолмади. Бундай усул жиноятчиларнинг ўз-гина эмас, унинг қарин-

ПОЙДОР АЛОҚАЛАР

«Тоқикистон билан Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳасидаги қўл қилиш ва муштақдам алоқалари анбанага айланган. Бошқа жумҳуриятлар билан бундай алоқалар қўл марта узалиб қолганини ҳисобга олсан, бу нараси бизда янада қаттароқ умид уйғотди», деди Тоқикистон ССР Давлат иқтисод комитети раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори Ҳ. М. Усмонов ТоқикТА муҳбири Г. Ҳасанова билан Ўрта Осиё ва Қозғоқистон республикалари президентларининг Тошкент учрашуви арасида бўлган суҳбатда. Маъмур шартномаининг муштақдам пойдевори бор. Ҳозир Тоқикистон республикаси Ўзбекистонга 58 хил саноат маҳсулотини ю-натмоқда. Булар рангли ва ноқир металл рудаларининг аралашмалари, кимёвий маҳсулотлар, машинасо-лик асбоблари, тўқув даст-гоҳлари, рўзгор ҳолодий-ликлар, электр қуввати ва бошқа қўлба нақазлардир. Ўз навбатида Ўзбекистондан Тоқикистонга етмиш хилдан кўпроқ маҳсулот етказиб бе-ришмоқда. (ТоқикТА — ЎТАТ)

ТОШКЕНТ БЎЙЛАБ... ЭЛЕКТРИЧКАДА

Тошкент тевағидаги халқа темир йўлида қатнайдиган электр поездларни қабул қилиб олиш учун бекатларни тайёрлаш ишлари ниҳоятда шўх бўлиб кетди. Бир ойдан сўнг бу йўллар чиниктирилди бош-бура, октябр ойининг охирида эса электричкаларнинг мунтазам қатнови бошланди. Электричкалар марказий вокзалдан жўнаб кетади. Шундан кейин бекатлар қўйишдаги тартибда жойлашди: Салор, Шумилов, Келес, Сөг-Бон, Назарбек, Далагузар, Уртаовул, Собир Раҳимов, Қизил тўқимачи (жанубий вокзал) ва яна марказий вокзал. Йўлнинг умумий узунлиги 68 километр.

Ўзбекистон пойтахти тевағида электр поездлар қатновини ташкил этиш масаласи Урта Осий темир йўли бошқармасида пиширилди. Ундан кузатишга келиб Тошкент ва унинг тевағидаги мезгилдошларда яшашган аҳолига транспорт хизмати курсатишда ёрдам беришдан иборат эди.

— Назаримизда янги йўл бир неча муаммоларни бир йўла ҳал қилиш имконини беради, — дейди Урта Осий темир йўлининг бошлиғи В. Желтоуов. — Масалан, ўз транспортга эга бўлмаган қишлоқ аҳолиси етиштирилган ҳосилини Тошкент бозорларига олиб келишлари учун яқин орада шундай имкониятга эга бўлади. Шаҳарга эса, ўз навбатида, қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилади болади. Шунингдек қишлоқ жойлардаги аҳолининг бир қисмини Тошкентда ишга жойлаштириш муаммоси ҳал қилинади. Бунинг икки муҳим жиҳатини таъкидлаш зарур. Биз шаҳар иқроия қўшимча билан бекатларга автобуслар қўйишга тўғрисида келишиб олдим. Бу автобуслар йўловчиларни метрога ёки шаҳар бозорларига элтиб қўяди. Биз Тошкент вилоят иқроия комитетига давлат ва жамоат ўқувчилари яқинда қўшимча бекатлар қуриш учун халқа йўл тевағидаги эссий бекатлар ўртасида йўловчилар оқимини ўрганишни тақлиф этдик. Хуллас, электричкалар худди метро сингари қатнайдиган бўлади.

[ЎТАГ мухбири]



Қўна Бухоро ўзининг тақрирланмас мезморидаги тақрир халқ хўжалиқининг билан ҳам машғур. 1987 йилда уста Салим Хамидов истеъдодли ёшларни тўплаб ўйлашга устaxonасини очган эди.

Хозирги кунда «Қандакор» кооператив устaxonаси уста Салим номини олган. Бу ердаги моҳир усталарнинг асарлари қўшлаб халқро кўргазма ва армаркалар му-

вафқият билан намойиш этилмоқда. Бухорога келган сайёҳлар гул ўйилган лаган, қумгон, чайнак ва бошқа мис буюмларни усталарнинг қўлидан сотиб олиш имконига эгадирлар.

СУРАТДА: уста Салимнинг шогирди уста Маҳмуд Ғуломов мис лаганга нақш ўймоқда.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛАПТИ

УШ. Қадамжой сурма комбинати Буюк Британиянинг симоб ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик «Куксон минералс», «Воган» ҳамда Американинг «Хансман кэмикал корпорейшн» хусусий фирмаси билан ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда.

Комбинатда 14 турда симоб маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти. Қадамжой сурмаси СССРдаги 241 корхона, қатор хорижий давлатлар — Фарангистон, Олмон, Голландия, Япония, Испания, Италия ва Шарқий Оврупо, Африка, Латин Америкаси мамлакатларига ҳам жўнатиляпти.

«ПОМИР-91» — УН ЕТТИНЧИСИ

Ачинчюш тоғ дарасида ўн еттинчи мартаба халқро «Помир — 91» алпгаерининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Утган йили бу ерда муз қўшиш оқибатида 43 алпнист фожиали ҳалок бўлган эди. Шунга қарамай лагер-

Водиларни деб кезганда...

Оролбўйи халқига, Семипалатинск ядро полигони ва Зайсан зилзиласидан талофат кўрганларга 10 миллион доллар берилиши, республика пойтахтида бизнесменлар халқаро институтни ташкил этилиши, барча вилоятларда меҳмонхона қуришга келишилганлигини таъкидлади.

ҲАМКОРЛИК «ЧИНГИЗХОН» ФИЛЬМИДА СУРАТГА ТУШМОҚДА

«ЧИНГИЗХОН» бадий фильмнинг дастлабки сериялари суратга олинимоқда. Чордарилик киноактёр Авазхон Бекмуҳаммадов илгари қозоқ ботири Хожимуқон ролини мезғирга етказиб иқро этган эди. Яқинда у қирғиз режиссёри У. Укеевнинг олтин серияли «Чингизхон» фильмида етакчи роллардан

бири — Буря Бука ролини ўйнашга розилик берди. Мамлакатимизда ҳолий топилмаганлиги тўғрисида фильм италияликларга сотилган эди. Бугунги кунда хорижийлар махаллий киностудиялар билан ҳамкорликда Олмаота, Хитой, Мўғулистон, Исирқий эрида иш бошлаб юбордилар.

ЕРДАМ УЮШТИРИЛАПТИ

ЗОМИН. «Янги 110» давлат хўжалигида ҳаёт олда томорқали бўлди.

Хўжалик раҳбарияти аҳолини моддий ҳимоя қилиш мақсадига ёрдам уюштиришда ташқари уй-йўл қурувчиларга қурилиш материаллари топишда ҳам кўмаклашляпти. Яқинда марказий Қўрғонда қад ростлаган ҳаммом, боғча, озиқ-овқат, саноат моллари дўконлари ишга туширилди.

И. ДИЛМУРОВОВ.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ МУАММОЛАРИ

13 август кун Тошкентда Ўзбекистон Деҳқонлар уюшмаси раёсати билан республика колхозлар кенгашининг қўшма кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиқий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармони қандай баҳарлаётганини кўриб чиқдилар.

[ЎТАГ]

ОЛАМУ ОДАМ

БУГУН ПОКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ АЗАЛИЙ ТУТАШ ИЛДИЗЛАР

Бизнинг мамлакатимиз — Покистон бундан 44 йил муқаддам — 1947 йил 14 августда ташкил топди. Бу тарихий сана Жанубий Осиё кичик китъаси мусулмонлари ўртасида ўз тақдирини ўзи белгилаш учун олиб борилган курашнинг олий нуқтаси бўлди.

Бугунги кунда жамиятнинг қайта қуриш ва демократиялаш сиёсати амалга ошириляётгани тўғрисида миллиятларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини Совет Иттифоқи халқлари учун таъминлашга СССР ҳозир улғун ўзбекистон арасида турбди, унинг худудидидаги барча халқлар ва миллатлар «бирликти қилма-қилди» деган қоида асосида ўз имкониятларини рўйга чиқармоқдалар.


Ўзининг қўлисини наби Покистон халқи ҳам Совет Ўрта Осийси билан маданият, дин, савдо ва тарих бобида қўлдан-қўл риштадор бўлганлиги, табиқий, ана шу йўналишда тараққиёт сари оид ташламоқда. Покистонликлар СССРнинг бу митақаси ҳақида ўйлаш бошлашлари, кўз олдиларида энг аввал Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хи-ва сингари улғун мусулмон шаҳарларининг сирли қиёфаси намойиш бўлади. Бизнинг тарихимиздаги қўлдан-қўл риштадорлик, ал Бериуний, ал Хоразми, имом ал Бухорий, имом ал Термизий, ал Матурудий, Абу Али ибн Сино, шоҳи Зинда, Темуранг, Заҳриддин Боҳур ва бошқаларнинг номлари бизнинг халқимиз қалбида ҳам ифтихор ҳисларини уюртади.

Хозир янги давр бошланмоқда: биз тикорат ва савдо-сотиқ йўли билан ўз тарихий алоқаридаимизни тиклаш имконига эга бўлмоқдамиз. Бу шундай ўлка эдики, ундан бутун ислом дунёсига беҳисоб маънавий-ахлоқий, ҳатто сирли нур таралиб турган. Биз XXI асрга қадам қўйганимизда Ўрта Осий ислом маданиятининг қайта тикланиши ва мустақамлаштиришда етакчи ўрни тўқна ажаб эмас.

Маъзур митақаданги барча республикалар имзо чекиши кутялган янги Иттифок шартномаси бизга сулмон қўлиларимиз, жумладан Ўзбекистон билан мустақил муносабатларимизни ривожлантириш имконини беради. Винобарин, алоқаларимиз бундан бир неча йил аввал бошланган. 1989 йил сентябрида Карочи шаҳрининг мэри Тошкентда бўлди. 1990 йил бошда Покистон Миллат мажлиси спикери бошчилигидаги парламент делегацияси СССРга, жумладан Ўзбекистонга ташриф бўюди. 1991 йил мартда Покистон олий судьяси Тошкентга келди.

Ўз навбатида тарихида Ўзбекистондан сайланган Шайхон Ўзбекистон! Янасон Покистон!

Ашраф Жаҳонгир ҚОЗН, Покистон Ислам республикасининг СССРдаги факултетида ва мухтор элчиси.



«Индия тудей» журнали гувоҳлик беришича, Рақим Гандини ўлдирish режаси 1990 йил октябрида «Тамил илама» кутариши йўлбарслари (топи) деб номланган ҳарбийлашган гуруҳнинг Жафна яриморлидаги чапалзорларда иш қўраётган штаб-қўнғишгоҳида ишлаб чиқилган эди. Гуруҳга Велупула Прабхакаран бошчилиги қилди.

Хозир Тамилнада штатида қўнғиларни қўлга олиш учун зўр бериб қидирув давом этмоқда. Қимда-қим «йўлбарслар» ҳақида янги маълумот берса, бир миллион 500 минг рупий билан тақдирланади.

СУРАТДА: Тотига қарашли базалардан бирида шовволар билан машқ ўтказялганга байт.

АСИР ОЗОД ҚИЛИНДИ

ИСЛОМОВОД Софиқ совет ҳарбий хизматчиси Қурбонали Ташрипов ўз ватанига қайтиш имкониятини олди. У Афғонистон курулди оппозицияси қўлида етти йилга яқин бўлди. Исламободдаги меҳмонхоналардан бирида бўлган маросимда у СССРнинг Покистонданги элчихонаси ходимларига топширилди.

ТАСС фотокўбороти.

Қўқон нега нотинч? РАҲБАРИЛИК ҚУЮШҚОНДАН ЧИҚҚАНДА...

КЕЙИНГИ беш-олти ой ичинда республика раҳбар ва маъмурий идораларига Қўқон шаҳридан турли нохуш хабарлар қўллаб келадиган бўлди. Фарғона вилоятиндан сайланган биринчи Ўзбекистон ССР халқ депутатыдан, шаҳар ва атрофдаги ноҳиялар маҳаллий «К» еттиликнинг депутатлари, одаий меҳнатқашлар ташвишланиб ёзган бу хатларига даволаш мураккабларига қадамий ва ўзинга хос қадр-қиммати эга бўлган шаҳар номини бадном қилганда, шеннинг доғ туширляётган шаҳарнинг тановини тортиб қўйиш, Қўқонда барқарорликни, социал адолатни тиклашга ёрдам беришни сўраш ҳоллари тобора кўпаймоқда.

Ҳақиқатан қўқонликлар билан учрашув, сўхбатлар, вазиетни жойида ўрганиш, аниқ статистик рақамлар билан танишиш шунинг кўрсаткичи, одамларнинг ташвиш инқирозда асоси ва вилоятнинг, қолверса жумҳуриятнинг тегишли ташкилотлари кескин «тра-тадбирлар қўришмасе» ээизят яна ҳам мушкуллашяши турган гап.

Ўзингиз кўринг. Вилоятда ва жумҳуриятда охириги вақтда, шу жумладан бу йилнинг биринчи ярмида жиноятчилик сезиларли даражада қамаяди. Айниқса одам ўлдирish, ўғирлик, талончилик каби оғир жиноятлар қамайиши диққатда қасозордир. Бу, албатта, фақат миллиция, бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ишининг натижаси десак тўла ҳақиқатни айтмаган бўламиз. Бу иккинчи ўзгариш-қозода жойлардаги партия, совет ва хўжалик органларининг аниқ фаолияти, Ўзбекистон ССР Президентининг социал адолатни ўрнатиш, ноғиронларга, ноҳор оилаларга моддий мадад бериш ва барча одамларни иқтисодий жиҳатдан яхшилаш учун қўрватган чора-тадбирларининг, бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги вужудга келган қўнғилликлар қўнғилган пайтда халқимизнинг оғирини оғирла қилганда қатор фармонларини эълотяш раҳбарлари эса, айниқса шаҳар ва ноҳия раҳбариятлари ана шу йўл-йўллик ҳамда фармонларни ижро қилиш амалга оширишнинг натижасида юқорда айтган муътадил муҳит яратилганда, десак адашмаган бўламиз.

Лекин Қўқон шаҳрида вазиет кутлабоқ тесқари. Шу ўзингиз олти ойда жиноятнинг оғир турларини содир этиш ўтган йилга нисбатан кескин қўнғилди. Одам ўлдирish, талончилик, ўғирлик авж оляпти. Масалан, 1990 йилнинг биринчи ярмида 8 та одам ўлдирish факти қайд қилинган бўлса, бу йил у 9 тага етди. Зўрлаб номусига тегиш 4 тадан 7 тага, оғир тан жароҳати етказиш 9 тадан 11 тага, басқинчилик 12 тадан 14 тага, шаксинлик ўғирлаш 178 тадан 183 тага ортди. Шунингдек, шаҳарда қиморбоэлик ҳам авж олди. Бунинг олдини олиш ўрнига шаҳар раҳбарияти миллий аънаваларимизни тиклашга деб бутун Иттифокда жар солиб хўроэ уриштирадиган ва бошқа илоқоқ шахсларга кенг йўл очиб беришди. Шаҳар раҳбарияти ташаббуси билан хўроэхона қурилади, уни тантанали равишда шаҳар хўроэмининг ўзи очиб берди. Бу ерда хўроэлар боқилмайди. Уриштирилади. Стадионга ўқаш, «Мусобақаларда» совринга ҳатто шаҳар универсаминда холодийлик, телавозор, гилам каби қамеб моллар ажратилиб, тиклиган. Бу буюмлар бугунги қашшоқлашган ҳаётимизда отликча хўроэга топилаётган, пидвалар эса уни сотиб олишга йиллаб навбатда турган бир пайтда хўроэ уриштирувчилар учун сочиб ташланса... Ўйлаётимиз! Ҳа, Кейин, хўроэ уриштириш — спортми ёки қимор? Иккинчисига қўнғил қилиш. Шундай экан, хўроэ уриштиришни миллий аънава дўлиси остида расмийлаштириб, махсус хўроэхона қуриб бериш ва қамеб қимматбаҳо ютуқлар ажратиш қиморбоэликни тарғиб қилиш бўлиб қолмадикиан? Хўроэхона марказий телавидеоне орқали биринча марта намойиш этилди. «Миллий аънаваларининг тикланиши» маъносига. Мамлакатга мактабдангидан шундан бошқа аънаваларимиз йўқми-ди?

...Қўқон шаҳар милициясининг шахсий состави сафга тизилди. Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Р. Абдуллаев шаҳар ички ишлар бўлими давлат авлобония инспекциясининг янги бошлиғини тайинлаш тўғрисидаги буйруқини ўқиганда унинг ёнида турган «қоқим» шартта генералнинг қўлини ушлаб тўтатди: — Мен сенга бошқа одамни айтган эдим-куй!

— Айтган одамнингизнинг ёши 45 да, миллицияга ишга қабул қилинмайди бу ёшда.

— Бўлмаса Шомуродовни.

— У ўзи розимас, унинг учун бу вазифа пасайиш бўлади.

Бу сўхбатни кўриб-эшитиб турган саф «Республика» этиб лаража келди... Ўғувилик Ички ишлар вазирининг хозиргина ўйилган буйруғи билан ишдан бўшатилган шаҳар милицияси бошлиғи Ш. Рўзиматовни бу ерга олиб келишни талаб қилишди. Рўзиматовни ўйда ботоб ётган жойидан элтиб келишди, ўйлаб миллиционерлар уни қўчадан қўлларидеа кўтарганча олиб кириб, иш кабинетига ўтказиб қўйдилар. Маъзур буйруқига қарши шаҳар милицияси ўша 17 июль кунини иш ташлади. Бу аслида буйруқига қарши эмас, балки буйруқини турдиган сабабларга қарши, янада аниқроқ, шаҳардаги биринчи раҳбар Ю. Еқубовнинг иш юритиш услубига қарши эмас, эди. Исён тасодифий эмасди, у поғонама-поғона етилиб келаятган эди.

Республика раҳбарияти таъдда оқил иш тутди. Президент И. А. Каримов ички ишлар бўлими вақиларидан 7 кишини, шу жумладан Ш. Рўзиматовни қабул қилди, атрофидеа сўхбатлашди ва ички ишлар вазирининг буйруғи бекор қилинди. Сўхбатда қатнашганларнинг айтишича, «Милция халқини назорат қилмаган эмас, ҳимоя қилмадикиан» Қадим-қадимдан айром-эътиқод макони бўлган Қўқондеа ақойиб шаҳар бугун нега бу қўйга тушиб қолди, тураларча раҳбарлик қачонгача давом этади!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ШУЪБАСИДА

Қўқондаги фабрикалардан бирини ишловчи 19 яшар ўзбек қизини номусига тегишган ҳақида шаҳар ички ишлар бўлимига арза берди. Қиз кечин пайт ишдан қайтиб келаятганда бир неча йигит уни маъбуран енгил машинага ўтказиб, ҳамма кўчасидаги маҳаллий маданият янги олиб келишди. Бу ерда сўнги вақтда «бирлик» қароргоҳи жойлашган эди. Бу ерда навбати билан қизнинг номусига тегишди. Бунинг устига бу дахшат бир ҳафта давом этди: қиз олти кун давомда «бирликнинг» аъзоли билетларини чўнтақларига солиб, юрган йигитлар ҳаловатининг қўрбонини бўлди.

Улар юмани ушлаб келишни ахши билмишарди — оилда қизнинг ҳимочилари йўқ, отаси бир неча йил олдин вафот этилган, онаси кескайиб қолган... Уни қўйиб юборишятганда миллицияга хабар қилсанг оқ қолмайсан, деб оғохлантиришди. Лекин бечора қиз учун ҳаётини қизғин қолмаган эди, у ўзини ўзи ўлдирishга ҳаракат қилиб кўрди.

Арзанда ёзилган гапларни ўқинингиз ўзи дахшат. Айдорлар қўлга олинди, улар бир неча киши, тергов манфаатларининг қўллаб уларнинг номини айтмайлик. Бечора қиз уларнинг биринчи қўрбонини эмаслигини аниқлади. Қўлга олинганлардан бирининг уйда яна бир аёл бор эди. Йигит уни рафийма деб таништирди. Лекин миллиция ходимлари билан сўхбатда бу аёл ўйда ички ойдан бўйи яшяётганлиги, илгоҳ ҳақида ҳеч қандай хўжмат йўқлиги аниқланди... Тергов давом этмоқда.

Мен йўлланма билан Қашқадардан «Ташминводи» шифохонасига даволашни учун келдим. Тошкент шаҳридан 40 қақирим узоқда жойлашган, табиқий иқлим-иҳатидан ниҳоятда баҳово бу тиббиёт масанни ўз мақомига нолюйқ аҳволда эканини кўриб афсусландим. Республикамининг турли бурчаларидан келиб даволаняётган одамлар билан сўхбатлашганимда, ҳаммаси ўз районларидеа олдин шифохонга ҳам бу сана торийдан минг чандон яхши эканини таъкидладилар. Содида қилиб айтганда, бу даргоҳ «номи улуг, суприси қуруқ» экан.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирига қарашли Н. А. Семашко номлидаги 11-қилинча (бош врач) тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Нозимбек Маннонбекович Қаҳқорбеков) ер остидан отилиб чиққан шифобахш сув сабабли қуриланган.

Ана шундай шифо масканининг ҳовлиси ифлос, чақалақзорга айланиб қолибди. Чинорлар, гујум ва те-

АКАДЕМИЯ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Тошкентда қайтадан тикланган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиқ фанлари академиясининг тасвс йнғилия ш бўлиб ўтди. Академия В. И. Ленин номлидаги Буянтинтфок қишлоқ хўжалиқ фанлари академияси (ВАСХНИЛ)нинг Ўрта Осий бўлими неғизда Ўзбекистон ССР Президентининг фармониға мувофиқ ташкил этилди. Мақсад илмий деҳқончилик-саноат мажмуини илмий-техникавий салоҳияти самарадорлигини оширишдан, республикада кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилашдан иборат.

Йнғилияда қишлоқ хўжалиқ соҳасидаги етакчи олимлар, қишлоқ хўжалиқ соҳасига алоқадор вазириллар ва идораларнинг раҳбарлари, илмий жамоатчилик ва оммавий ахборот восталарининг намоилдалари қатнашдилар.

Йнғилиянинг Ўзбекистон ССР Президентини хузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиқ фанлари академияси-

НАЗАР ХУДОЕВОВ, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

